

**Тўлов терминалини фойдаланишга топшириш
ва унга хизмат кўрсатиш тўғрисида
ШАРТНОМА**

20 __ йил “__” _____ № _____ шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг _____
филиали (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси _____ низом ва
ишончнома асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва _____
(юрidik шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор)
_____ (кейинги ўринларда – Мижоз)
раҳбари _____ устав (низом, гувоҳнома)
асосида фаолият юритиб, иккинчи томондан, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздик.

1-§. Шартнома предмети

1. Ушбу Шартноманинг 1-илоvasида келтирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасига мувофиқ тўлов терминали(ларини) Банк фойдаланишга топширади, Мижоз эса тўлов терминали орқали амалга оширилган савдо айланмаси ҳажмидан банк фойдасига воситачилик ҳақи тўлаш шarti билан фойдаланишга қабул қилади.

2. Тўлов терминали банк карталари эгаларининг нақд пулсиз тўловларини қабул қилиш учун ишлатилади.

2-§. Тўлов терминалини топшириш-қабул қилиш тартиби

3. Томонларнинг ваколатли вакиллари ушбу Шартнома 1-илоvasида келтирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаган пайдан тўлов терминали(лари) Мижозга фойдаланишга топширилган ҳисобланади.

4. Ушбу Шартноманинг 2-илоvasида келтирилган анкетада Мижознинг банк картаси эгаларига хизмат кўрсатиш бўйича йўриқнома олганлиги, тўлов терминали(лари) бўйича Мижоз масъул ходимларининг исми-фамилияси ва улар тўлов терминалини ишлатиш қоидалари билан таништирилганлиги қайд этилади.

3-§. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5. Банк ҳуқуқлари:

а) тўлов терминалининг сақланиши, техник ҳолати ва унинг Мижоз томонидан ишлатилиши тартибини текшириш;

б) терминалдан фойдаланганлик учун банк фойдасига ундириладиган воситачилик ҳақини ҳар куни акцептсиз тарзда ечиб олиш;

в) тўлов терминалини таъмирлашга кетган харажатни, шунингдек Мижознинг айби билан йўқотилган ёки таъмирлаш орқали тиклаш мумкин бўлмаган ҳолатларда тўлов терминалининг қийматини қоплашни талаб қилиш;

г) воситачилик ҳақи миқдори бўйича ўзгартиришни, у кучга киритилишидан камида бир ой олдин бу ҳақда тегишли ахборотни, шунингдек ушбу Шартнома юзасидан қўшимча битим лойиҳасини www.trustbank.uz веб-сайти ва Банк филиали биносида жойлаштириш орқали Мижозни огоҳлантириб, киритиш. Агар ушбу ўзгартириш кучга киритиладиган санагача Мижоз томонидан имзолаган қўшимча битим ёки уни имзолашдан бош тортганлиги ҳақида ёзма хабар Банкка тақдим қилинмаса, бу ҳол Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддасига мувофиқ воситачилик ҳақи миқдorigа киритилаётган ўзгартиришга Мижознинг тўла розилигини билдиради.

6. Банк мажбуриятлари:

а) ушбу Шартномани томонлар имзолагандан сўнг 5 банк иш куни ичида тўлов терминалини топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида яроқли (ишлайдиган) ҳолатда Мижозга топшириш;

б) тўлов терминалини ўрнатиб бериш, тўлов тизимига уланишни амалга ошириш, Мижоз ходимларини тўлов терминали билан ишлашга ундан фойдаланиш бўйича йўриқнома бериш орқали ўргатиш, сервис хизмати кўрсатиш;

в) тўлов терминали бузилганда уни таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш.

7. Мижоз ҳуқуқлари:

а) тўлов терминалини ушбу Шартноманинг 2-бандида кўрсатилган операцияни бажариш учун ишлатиш;

б) тўлов терминалини созлаш, бузилган бўлса таъмирлаш ёки алмаштириш, ўз ходимларига тўлов терминали билан ишлаш бўйича йўриқнома берилиши юзасидан Банкка мурожаат қилиш.

8. Мижоз мажбуриятлари:

а) Банкнинг тавсиясини ҳисобга олган ҳолда тўлов терминалини ўрнатиш учун жой ажратиш, уни электр тармоғига улашни таъминлаш;

б) тўлов терминалини алоҳида телефон тармоғига улашни таъминлаш;

в) тўлов терминалининг сақланиши ва комплектлигини таъминлаш;

г) ўз кучи ёки учинчи томонни жалб қилган ҳолда тўлов терминалини таъмирлашга (созлашга) йўл қўймаслик;

д) тўлов терминалидан фойдаланганлик учун ўз вақтида (ҳар куни) ҳақ тўлаш;

е) тўлов терминалини ундан фойдаланиш бўйича йўриқномага амал қилган ҳолда ишлатиш, уни учинчи томонга бермаслик;

ё) мазкур Шартнома муддати тугагандан сўнг 3 банк иш куни ичида тўлов терминалини комплект ва яроқли (ишлайдиган) ҳолатда Банкка топшириш;

ж) ўз реквизитлари (манзили, номи, ҳисобварағи, хизмат кўрсатувчи банки ва бошқалар) ўзгарганда, бу ҳақида Банкка янги реквизитларини кўрсатган ҳолда 3 банк иш куни ичида хабар бериш.

4-§. Томонларнинг жавобгарлиги

9. Шартнома ижро этилмаганлиги ёки тўлиқ ижро этилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

10. Мазкур Шартнома 6-бандининг “а” кичик бандини ўз вақтида ижро этмаганлиги учун Банк ҳар бир кечиктирилган кунга тўлов терминали баланс қийматининг 0,5 фоизи миқдориди, бироқ тўлов терминали баланс қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

11. Ушбу Шартнома 8-бандининг “ё” кичик бандини ўз вақтида ижро этмаганлиги учун Мижоз ҳар бир кечиктирилган кунга тўлов терминали баланс қийматининг 0,5 фоизи миқдориди, бироқ тўлов терминали баланс қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

12. Тўлов терминали қайтариб топширилаётганда носоз бўлса ёки комплект ҳолатда бўлмаса, Мижоз уни таъмирлашга кетган харажатни ва тўлов терминалининг етишмаган қисмлари қийматини қоплайди ҳамда тўлов терминали баланс қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5-§. Тўлов терминали орқали ўтказилган тўловлар учун воситачилик ҳақини ундириш тартиби

13. Мижоз тўлов терминали орқали амалга оширилган савдо айланмаси ҳажмидан ҳар куни Банк тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақи тўлайди ва уни акцептсиз тарзда ундириб олиш ҳуқуқини Банкка беради.

14. Мижоздан банк фойдасига олинадиган воситачилик ҳақи Банк томонидан мижознинг тўлов терминалининг транзит (235XX) ҳисобварағидан автомат режимда ҳар куни тўлиқ ҳажмда ундирилади.

6-§. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш шартлари

15. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва у имзоланган пайтдан амал қила бошлайди.

16. Шартнома бир календарь йили муддатига тузилди, агар томонлардан бири 15 календарь куни ичида уни бекор қилиш тўғрисида ўз ниятини маълум қилмаса, шартнома кейинги йилга автоматик узайтирилган ҳисобланади.

17. Ушбу Шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар томонлар ўртасида ёзма равишда келишилган бўлиши лозим, ушбу Шартнома 5-бандининг “г” кичик бандига мувофиқ киритиладиган ўзгартириш бундан мустасно.

18. Бир томон иккинчи томонни ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда мазкур Шартномани хоҳлаган пайтда бекор қилишга киришиши мумкин. Бунда Мижоз тўлов терминалини комплект ва яроқли (ишлайдиган) ҳолатда Банкка қайтариб топширса, шартнома огоҳлантирилган кундан бошлаб 10 календарь куни ичида бекор қилинади. Тўлов терминалини Банкка қайтариш томонларнинг ваколатли вакиллари имзолаган топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида амалга оширилади. Топшириш-қабул қилиш далолатномасига тўлов терминалининг комплект ва яроқли (ишлайдиган) ҳолатдалиги (ҳолатда эмаслигига) оид Банк фикрлари киритилади.

19. Агар Мижоз тўлов терминалини носоз ёки комплектлиги бўйича тўлик бўлмаган ҳолатда топширса, ушбу Шартнома ўзаро ҳисоб-китоб тугагандан сўнг бекор қилинади.

7-§. Алоҳида шартлар

20. Шартнома шартлари ва уларнинг бажарилиши юзасидан низо келиб чиққанда, низо томонлар ўртасида ўзаро келишувга мувофиқ ҳал этилади.

21. Томонлар ўзаро келишувга эриша олмаганда низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий суд орқали ҳал этилади.

22. Томонларнинг бири қайтадан ташкил этилса ёки тугатилса, ушбу томоннинг мазкур Шартнома бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг қонуний ворисига ўтади.

23. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа ҳолатларни томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этади.

8-§. Томонларнинг почта манзиллари ва реквизитлари

Банк:

Манзили: _____

Тел.: _____ Факс: _____

Банк коди: _____

Банк ҳисобварағи: _____

СТИР: _____

Бошқарувчи: _____

муҳр ўрни

Мижоз:

Манзили: _____

Тел.: _____ Факс: _____

Банк коди: _____

Банк ҳисобварағи: _____

СТИР: _____

Раҳбар: _____

муҳр ўрни

ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20 __ йил “ __ ” _____ шаҳри

Мазкур топшириш-қабул қилиш далолатномасига кўра Банкнинг ваколатли вакили – _____

(лавозими ва исми, отасининг исми, фамилияси)

қуйидаги тўлов терминали(ларини) топширди, Мижознинг ваколатли вакили – _____

(лавозими ва исми, отасининг исми, фамилияси)

уларни комплект ва яроқли (ишлайдиган) ҳолатда қабул қилди:

№	Тўлов терминали маркаси ва унинг қўшимча жиҳозлари	Сони, дона	Бир донасининг баланс қиймати, сўм	Жами қиймати, сўм (гр.2хгр.3)
0	1	2	3	4
1	“ _____ ” маркали тўлов терминали			
2	“ _____ ” маркали тўлов терминали			
3	Тўлов терминалини ток манбаига улайдиган кабель			
4	Савдо картаси			
5	Банк картаси эгаси томонидан PIN-код киритиладиган клавиатура			
...				
	Ҳаммаси	х	х	

Фойдаланишга топширилган тўлов терминаллари ва улар қўшимча жиҳозларининг умумий қиймати _____ (_____) сўм.

Банк томондан:

Мижоз томондан:

(имзо)

(имзо)

МИЖОЗ АНКЕТАСИ

(мижознинг номи)

Юридик манзили _____

(почта индекси, вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй)

Жойлашган манзили _____

(почта индекси, вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй)

Раҳбари _____

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

Телефон _____

Бош бухгалтери _____

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

Телефон _____

Мижознинг савдо (хизмат кўрсатиш) объектлари:

1. _____

(номи)

(почта индекси, вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй)

Савдо (хизмат кўрсатиш) объекти раҳбари _____

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

Телефон _____ Масъул ходим _____

2. _____

(номи)

(почта индекси, вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй)

Савдо (хизмат кўрсатиш) объекти раҳбари _____

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

Телефон _____ Масъул ходим _____

Банк карталари эгаларига хизмат кўрсатиш бўйича йўриқнома олдим, тўлов терминалини ишлатиш қоидалари билан танишдим. Ушбу қоидаларга амал қиламан, агар мазкур қоидаларга риоя этмаслик оқибатида Банкка зарар келтирсам, уни қоплаш мажбуриятини оламан.

1. _____

(масъул ходим фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими)

(имзо)

2. _____

(масъул ходим фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими)

(имзо)

Мижоз номи юқорида қайд этилган ўз ходимларини банк картаси эгаларига хизмат кўрсатиш ва тўлов терминалидан фойдаланиш бўйича масъул этиб тайинлади.

Раҳбар _____

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

(имзо)

Мижоз ходимларига тегишли йўриқнома бердим ва қоидаларнинг ёзма матни билан таъминладим.

Филиал томонидан масъул ходим _____

(фамилияси, исми, лавозими ва имзоси)